

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Суяров Аширбек Мустафаевич. Чирчиқ
давлат педагогика университети “Мактаб
менежменти” кафедраси ўқитувчиси.
Чирчиқ давлат педагогика университети
Педагогика факультети “Мактаб менежменти”
таълим йўналиши 20/2 гуруҳ талабалари:
Абдурахманова Назокат Рустам қизи
Абдуллоев Жавоҳир Абдукамол ўғли
Рахманов Худойберган Зокиржон ўғли
Сайфиев Сардорбек Шарофиддин ўғли
Юсупова Зиёда Икром қизи*

Аннотация: Мақолада ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида дарсларни ташкил этишнинг дидактик ва амалий асослари тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье рассматриваются дидактические и практические принципы организации уроков исходя из интересов учащихся и даются рекомендации.

Annotation: The article discusses the didactic and practical principles of organizing lessons based on the interests of students and gives recommendations.

Таянч сўз ва иборалар: дарс жараёни, ўқувчиларнинг қизиқиши, шахсга йўналтирилган таълим, индивидуал ўқитиш, Ибн Сино ўқитиш технологияси ҳақида.

Ключевые слова и фразы: учебный процесс, интерес учащихся, личностно-ориентированное обучение, индивидуальное обучение, технология обучения Ибн Сины.

Key words and phrases: educational process, student interest, student-centered learning, individual learning, Ibn Sina's learning technology.

Маълумки, педагогика фани бугунги кунда ўзининг юксалиш босқичига кўтарилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ривожланиш давомида таълим-тарбия мақсадига эришиш жараёнига нисбатан педагогик ёндашувлар ҳам турлича бўлган. Миллий мустақиллик қўлга киритилиши билан истиқбол йўлларимиз, миллий ғоя ва мафкурамиз аниқ қилиб белгилаб олинди.

Биз ўз таълим-тарбиявий мақсадимиз ва вазифаларимиз, уни амалга ошириш дастурларимизни белгилаб олдик.

Бобокалонларимизнинг азалий орзулари, миллий ва умумбашарий кадриятлари, маънавий ёдгорликлар замонавий педагогиканинг мақсади ва вазифаларини шаклланишига асос бўлмоқда. Замонавий педагогиканинг бош мақсади ҳам этук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита олувчи, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишда анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, янгича педагогик ёндашувларни ўзлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш замон талабидир.

Бугунги кунда биз педагогика соҳасидаги илғор технологияларни кенгрок ва чуқуррок ўзлаштиришимиз, уларни ўз минтақамизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқишимиз керак бўлади. Педагогик технология тушунчасига ҳозирги кунда турлича таърифлар берилмоқда. Муҳими шуки, педагогик технология кўзлаган мақсадга кафолатланган натижа сифатида эришишни ифодаловчи жараёндир.

Педагогика назарияси ва амалиётида таълим-тарбия жараёнида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Педагогик технологияларни характери ана шу ёндашувдан келиб чиқади.

Буюк мутаффакир бобомиз Абу Али Ибн Сино (980-1031) болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш масаласига катта аҳамият бериб, **“Тадбир ал манозил”** асарининг бир бўлимини шу масалага бағишлаган. Унинг таъкидлашича, мактабга барча кишиларнинг болалари жалб этилиши ва ҳамма болалар бирга ўқитилиши ва тарбияланиши лозим, болаларни алоҳида ўқитиш маъқул эмаслигини уқтиради.

У буларни қуйидагича асослайди:

1. Агар болалар бирга ўқиса, зерикмайди, уларда фанни эгаллашга қизиқиш пайдо бўлади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақаланиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради.

2. Ўзаро суҳбатда болалар бир - бирларига китобдан ўқиганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар.

3. Болалар бирга тўпланганларида бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир-бирларидан ўрганадилар.

Ибн Сино ўқитиш технологиясига ҳам катта эътибор қаратган. У ўқитишни қуйидаги тарзда ташкил этишни тавсия этади:

1. Болани бирдан китобга жалб қилиб қўймаслик керак.

2. Ўқитиш аста-секин, осондан қийинга ўтиш (уни ҳозирда биз дидактик қоидалар) йўли билан олиб борилиши лозим.

3. Ўқувчилар билан амалга ошириладиган тарбия уларнинг ёшига мос бўлиши керак.

4. Ўқитиш жамоа тарзида уюштирилиши даркор.

5. Ўқитиш боланинг хоҳиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

6. Ўқитиш жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши зарур.

Таълим муассасалари таълим–тарбия жараёнининг самардорлигини ошириш, илм – фаннинг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб – ҳунарли, Она Ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни ардоқлайдиган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат, жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига мустақиллик мафкураси ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ҳамда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида дарс жараёни ва синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни талаблар даражасида ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим-тарбия бериш жараёнида ўқувчига йўналтирилган дарснинг асосий талаблари.

Мақсад: билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш фаоллигини намоён қилиш учун шароит яратиш мақсадида ўқув машғулотларини ташкил этиш.

Мақсадга эришиш воситалари:

- ўқувчиларнинг субъектив билим ва тажрибаларини аниқлашга имкон берадиган ўқув фаолиятининг турли шакллари ва усулларида фойдаланиш;
- дарс жараёнида бутун синфнинг фаоллигини ошириш учун муҳит яратиш;
- ўқувчиларнинг ўз фикрини эркин билдиришга, хато қилишга ёки нотўғри жавоб беришдан чўчимасдан топшириқларни бажаришда турли усуллардан фойдаланиш;
- ўқувчи фаолиятини фақатгина натижага қараб эмас (тўғри, нотўғри) балки ушбу натижага эришиш жараёнидаги иштирокига қараб баҳолаш;
- ўқувчининг қандай усулда ишлашни (масалани ечимини топиш) ўзи танлашга интилишига шароит яратиш, дарс давомида бошқа ўқувчиларнинг иш усуллари таҳлил қилиш, энг қулай усулларни танлаш, ўзлаштириш;
- ўқувчига тазйиқ ўтказмаслик ҳамда камчилигини бўрттирмаслик;
- паст ўзлаштириш, ўзини ёмон тутиши сабабларини аниқлаш ва уларни ўқувчининг шахсиятига зарар етказмайдиган тарзда бартараф этиш
- дарс жараёнида “муваффақият муҳитини” яратиш, ўқувчига ўқишда муваффақият қозонишига ёрдам бериш, унинг ўз кучи ва иқтидорига ишончини орттиришдан иборатдир.

Топшириқлар турлари: Ўз-ўзини англаш имконини берувчи топшириқлар (ўқитувчининг ўқувчиларга мурожаати “Ўзингни англа, ўзинг билиб ол” жумлалари билан ифодаланади):

- ўз-ўзини баҳолаш (ўқитувчининг тайёрлаган режаси, схемаси, алгоритми бўйича бажарилган ишни текшириш, хатоларини таҳлил қилиш);
- мазмун бўйича бажарилган ишнинг усулини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш (масаланинг ечиш усулини рационаллиги, иншо режасининг ифодалилиги, лаборатория ишидаги амалларнинг кетма-кетлиги);
- ўқувчини ўқув фаолият субъекти сифатида ўз-ўзини баҳолаши (ўз ишини режалаштира оламанми, ўз ҳаракатларимни ташкил қила оламанми, эришган натижаларимни баҳолай оламанми?);
- ўқув фаолиятида ўзининг иштирокини баҳолаши (фаоллик даражаси, бошқа иштирокчилар билан ҳамкорлиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги);
- дарсни ҳамда уй вазифасини билиш қобилиятларини аниқлаш (диққат, идрок, хотира ва бошқалар);

Шунингдек, ўқувчига йўналтирилган таълим технологияси ўз ичига қуйидаги технологияларни ҳам қамраб олади:

- шахсга инсонпарварлик ёндошуви;
- ҳамкорлик технологияси;
- ўйин технологияси;
- коммуникатив таълим технологияси;
- эркин тарбия технологияси;
- болани қўллаб-қувватлаш технологияси.

Ўқувчига йўналтирилган таълим технологиялари турлари (классификацияси):

- ривожлантирувчи таълим технологияси;
- муаммоли таълим технологияси;
- босқичли таълим технологияси;
- таълимда тадқиқот таълим технологияси;
- “Дебатлар” таълим технологияси;
- танқидий фикрлашни ривожлантириш таълим технологияси;
- лойиҳалаш таълим технологияси;
- модулли таълим технологияси;

Тажрибаларимиздан маълумки, тавсия этилаётган таълим технологияларидан кенгроқ фойдаланиш натижалари ўлароқ, ўқувчиларнинг фанларни ўрганишга бўлган қизиқишлари ортиб, таълим самрадорлиги кўтарилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5712-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг Янги тараккиёт даврида таълим - тарбия ва илм - фан соҳаларини ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 - сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4963 сонли қарори
5. Аҳлидинов Р. Ш. Таълим муассасасини бошқариш санъати. – Т.: “Фан”, 2006. – 303 б. 721
6. Пўлатов Ш.П. Таълим менежменти ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқаришга инновацион ёндашув./ Т.: “Yosh kuch”.2022 й.
7. Р Мусурмонов А.М.Суяров. “Таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий қиёфаси, маданияти ва унга қўйилган талаблар хусусида.” “Муғаллим ҳам узлуксиз билимлендириу” 2022 йил №6/2 37-43 бетлар.